

Лойиха-Смета (Қидирув ишлари) ПУДРАТ

Шартномаси № 84859

2022 й. «23» 5

2022-460-11-166-OB-con

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Қўқон Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш қурувчи раҳбари А.Ахмедов бир томондан кейинги ўринларда "Лойихачи" деб юритиладиган "Project For You" МСНЖ номидан Низом асосида иш қурувчи раҳбари Н.К.Салижонов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692-моддалари, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғриси"даги, Қурилиш меъерлари ва қоидалари (КМК1.03.01), ВМ нинг соҳага оид қарорларига асосан лойихасини тайёрлаб беришга доир мазкур шартнома туздилар.

1.Шартнома мавзуси.

1.Мазкур шартномага асосан "Лойихачи-45-А.Зрхирий МФЙ ҳудудида1-КНС қуриш ва канализация тармоғига улаш учун лойиха смета ва экспертизаучун керакли барча ҳужжатлар туплами ва экспертизадан ўтказиш ҳужжатларини_ тайёрлаб беради.

2.Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2.1. Мазкур шартнома бўйича лойихачи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлари ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 93 649 000.00 (Тўқсон уч миллион олти юз қирқ тўққиз минг сўм)сўмни ташкил этади.

2.2.Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас,қуйидаги ҳоллари бундан мустаено:

- қурилиш қийматини кўпайтириш енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлари ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда,смета қийматидан 2 % олинади;

2.3.Тегшли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Лойихачи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3.Лойихачининг мажбуриятлари.

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва
-барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган КМК қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади; Мухандис билан бажариладиган ишлари босқичларини келишди, бажарилаётган ишлар ҳақида мухандисга ахборот тақдим қилади.

3.2.Буюртмачининг руҳсатсиз бажарилган ишларини учинчи шахсга бермайди.

4. Буюртмачининг мажбуриятлари.

4.1.Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларини бажариш учун тегшли ҳужжатларни далолатнома бўйича Лойихачига бериш;

- ишлар бажарилиши устида доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Лойихачи томонидан қабул қилинган мажбуриятлари ва бошқа функцияларга рноя этилишини назорат қилиш, Лойихачидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Буюртмачи Лойихачига тегшли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилгандан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдоридан аванс ўтказилади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилган кейин берилган авансни ҳисобга олган ҳолда тегшли манзилли дастур бўйича маблағлар ажратилганидан сўнг ишлар шартномавий жорий қиймати миқдоридан амалга оширилади.

Кўриб чиққан юрист. МЕХМОНОВ МУСОХОН МА'РУФЖОН О'Г'ЛИ Ҳужжат рақами. ME0544618667

5.3. Лойихачи бажарган ишларга мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилганга қадар тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Лойихачининг зиммасида бўлади.

6. Ишларни бажариш.

6.1 Буюртмачи Бажариладиган ишларга муҳандис тайинлайди. Муҳандис Бажариладиган ишлар босқичларини келишди Лойихачига бажарилаётган ишлар ҳақида ахборот тақдим қилади.

-Муҳандис Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар устидан назоратни амалга оширади, шунингдек Лойихачи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.

7.1. Агар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8. Кафолатлар.

8.1 Лойихачи: барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган бажарилишни кафолатлайди.

8.2 Буюртмачи ўз навбатида бажарилган ишлар учун ўз вақтида тўловни амалга оширади

9. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.

9.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, бошқа Қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

9.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги тегишли дастур бўйича лойиха ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Лойихачига кечиктирилган ҳар бир кун учун шартнома суммасининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлашини Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

9.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмининг тасдиқлашда асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Лойихачига ўзи тасдиқлашни рад етган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

9.4. Лойихачи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддатни ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Лойихачи Буюртмачига сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

Пеня тўлаш Лойихачини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

9.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давлатэкспертизаси"нинг ҳулосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг ҳақ тўлашдан бош тортгани, шунингдек Лойихачидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизини миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

9.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари Шартнома шартларини бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

9.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

9.8. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганда сўнг қонуний кучга кирди ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10. Низоларни хал қилиш

10.1. Шартнома бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар келишув йўли билан хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади.

II. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«ЛОЙНХАЧИ»

«Project For You» МЧЖ

Фаргона.ш Сайилгоҳ 29А уй

х/р: № 20208000005349884001

МФО:00498; "TURONBANK" АТБ

Фаргона шаҳар филиали

ИНН: 308203982; ОКОНХ:

Директор

М.У



«БУЮРТМАЧИ»

Кўкон Ободонлаштириш бошқармаси

Кўкон шаҳар Фазлий кўчаси 1-уй

Ш.х/р 401722860304057065100110012

ИНН: 200 131 694 МФО:00014, _ Молия

Вазирлиги Газначилиги

ИНН:201 122 919,

х/р 23402.000300 10000 1010

Директор

А.Ахмедов



Бош ҳисобчи

З.Хамрокулова

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyiyaning turi: Shartnoma.

2. Loyiyaning nomi

Qo'qon shahar Obodonlashtirish boshqarmasi hamda "Project for you" MCHJ o'rtasida Qo'qon shahar 45-MFYga qarashli Mustaqillik, Alinazar ota ko'chalariga 1 dona KNS qurish va kanalizatsiya tarmog'iga ulash uchun loyiha smetasi va ekspertiza uchun kerakli barcha hujjatlarni tayyorlash xizmatini ko'rsatish to'g'risida shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Loyiha Qo'qon shahar Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 23-may kuni ishlab chiqilgan hamda tizimga kiritilgan.

Loyiha O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlari talablariga javob beradi. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish usullari O'zbekiston Respublikasi «Fuqarolik kodeksi» hamda O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni asosida tuzilganligi haqida xulosa qilinadi.

Markaz bosh yuriskonsulti



M.Mexmonov

2022 yil «23» may